

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Зарафшон магистрал тизимидан
фойдаланиш бошқармаси бошлиғи



А.З.Каримкулов

ТЕХНИК ТОНШИРИК



Илмий тадқиқот ишининг маъсули: Равотхўжа тўғонида ҳамда гидроузел тармоғи ҳудудларидаги гидротехник иншоотларнинг хавфсиз ишлаши, сув таъминоти барқарорлигини таъминлашда зарурий чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ҳозирги кунда Равотхўжа гидроузели ҳамда гидроузел тармоғи ҳудудларида ўзан жараёнларининг морфологик параметрлари тадқиқотлар асосида ўрганилади. Сув таъминотини бошқаришда юзага келаётган ўзан жараёнларини ўрганиши натижасида ҳар турдаги оқинди, лойка чўкиндиларининг оқиб келиши оқибатида сув иншоотларида сув туби сатҳининг кўтарилиши, бўйлама чуқурликларининг ўзгариши, сув ҳажмининг катта миқдорда салбий ҳолатларни олдини олиш, талабдаги сув таъминотини етказиш, ўзан жараёнларини ростлашда тадқиқот ишлари олиб борилиб, чора-тадбир белгилаш кечиктириб бўлмас вазифалар ҳисобланади.

Ишининг мақсади: Равотхўжа гидроузелининг белгиланган ҳудудлари бўйича барча морфологик ҳолатлари, ўзан тубининг кўмилиши ёки ювилишини ўрганишдан иборат бўлиб, бунинг натижасида ўзаннын сув ўтказиш қобилиятини ошириш ва чора-тадбирлар белгиланади. Сув оқимини ростловчи мавжуд гидротехник қурилмаларини мустаҳкамлаш, зарурий ПК ларда ушбу шпора қурилмаларни қурилиши ва чора-тадбирлар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалётга тадбиқ этиш.

Талабдаги сув таъминотини етказилишида ўзанны ростлаш, бошқариш чора-тадбирларини белгилаш, сув оқимини мўтадиллигини

яхшилаш йўли билан эришишни, сув таъминотини яхшилаш ҳамда сув иншоотидаги мавжуд техник носозликларни бартараф этиш чора-тадбирларни амалиётда ўрганиб, тегишлик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Ишнинг вазифалари:

Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур. Худудларда морфологик ўзан жараёнларини ўрганиш, барча параметрлар бўйича тадқиқот-ўлчов ишларида аниқланган маълумотлар тахлили. Келган. Келаётган оқинди, лока чўқиндилардан канал тубини тозалаш, ростлаш, аниқланган чап қирғоқ ювилишини худудлари ҳавфини олдини олишда, техника воситаларини жалб қилишда зарурий чора-тадбирларни амалга оширишнинг илмий асосланган тавсияларини ишлаб чиқиш.

Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар: Тадқиқот ишидан олинadиган натижаларни тадқиқот объекти Равотхўжа гидроузелида қўлланилиши, гидроузел ва унинг гидротехник иншоотларидан самарали фойдаланиш бўйича амалиётда қўлланиши учун илмий қўлланма ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот ишнинг амалга оширишдан кутилаётган натижалар: Тадқиқот натижаларига асосан Равотхўжа гидроузел худудларида ўзан жараёнларини, келаётган чўқиндиларни камайтириш, ростлаш ҳамда пастги бьефдаги сув иншоотларининг ҳозирги техник носозликлар аниқланиб, бартараф этиш тадбирлари белгиланади. аниқланган тадқиқот натижаларига кўра сув оқимини ростловчи қурилмаларнинг мустаҳкамлигини ошириш, иқтисодий самара берувчи шпора ва дамба қурилмаларининг жойларда жорий этилиши таъминланади. Сув ўтказиш қобилиятини кўтариш, сув оқимини ростлаш ва талабдаги сув таъминотини трансчегаравий худудларга етказилишини таъминлаш, қирғоқ бўйи худудларини химоя қилиш ишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Илмий-тадқиқот иши жорий қилинадиган объект: Работхўжа тўғонида ҳамда гидроузел тармоғи ҳудудларидаги гидротехник иншоотларнинг хавфсиз ишлаши, сув таъминоти барқарорлигини таъминлашда зарурий чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш илмий-тадқиқот ишининг натижалари Самарқанд вилояти Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси тасаруфидаги Работхўжа гидроузели эксплуатациясида фойдаланиш учун жорий этилади.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари



А.Салимов

ТИТЭ ва ГИФ шўбаси бошлиғи



О.Қаршиев